



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Самарқанд ХЭТК» АЖ

Бош директори в.б

_____ **С.Шомуродов**

«__» «_____» 2022 й.

Энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Самарқанд вилояти «Ғарбий» нимстанциясида созлаш ва ишга тушириш ишлари.

Самарқанд -2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Самарқанд вилояти Ғарбий нимстанциясида созлаш ва ишга тушириш ишлари.

Танловнинг юқори қиймати ҚҚС билан – 450 000 000 (*Тўрт юз эллик миллион*) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.1. Махсулот бўйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

Ишларни бажариш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб 90 календар кун.

1.2. Ишларни бошлаш муддати - 30 фоиз аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. "Самарқанд ХЭТК" АЖ (бундаи кейин-"Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси 151-уй.

Эл.адрес: samhet@umail.uz

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов "Самарқанд ХЭТК" АЖ "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Таклиф этилган шартлар бўйича тендерда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин. Икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.

Тендерда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фукаролик-муомила лаёқати ваколатлари ва шартнома тузиш ваколати борлиги;

3.2. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар

кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.3. Тендерда қатнашиш учун танлов иштирокчиси банк ҳисоб рақамида буюртмачи томонидан талаб қилинган айланма маблағга эга эканлиги тўғрисида тижорат банк томонидан тасдиқланган маълумотнома, ёки буюртмачи томонидан талаб қилинган миқдорида айланма маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги тижорат банк қафиллиги.

3.4. Айланма маблағлар миқдори буюртмачи томонидан талаб қилинганидан кам миқдорни ташкил этган ҳолларда, иштирокчи айланма маблағлари мавжудлиги ҳақидаги банк тасдиқлаган маълумотномани ва етмаётган сўммага банк қафиллигини тақдим этади.

3.5. Банк қафолати фақатгина керакли лимитлар ва кредит ресурслари билан таъминланган юқори турувчи банк ёки кредит комитетининг тасдиғига эга бўлган банк муассасаси томонидан берилиши мумкин. Бунда банк қафиллигида тасдиқловчи ҳужжатнинг рақами, санаси ва юқори турувчи банк раҳбарининг фамилияси, исми кўрсатилади.

3.6. Тендер иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустақил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси тақдим этилиши шарт.

3.7. Тендер иштирокчисининг охириги уч йилдаги молиявий ахволи. Шаклда иштирокчи аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини илова қилишга мажбур.

3.8. Тендер иштирокчисининг иш ҳақки жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари. Шакл ташкилотнинг тегишли ҳисобот даври асосида тўлдирилиб, тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланади.

3.9. Тендер предметига ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси. Ушбу жадвалда иштирокчи тендер предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган сўммасини кўрсатиши керак. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида давлат қабул комиссияларининг далолатномалари (агар иштирокчи ёрдамчи пудратчи сифатида бўлган бўлса ҳисоб-фактура маълумотномалари) илова қилинади.

3.10. Иштирокчи ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати. Агар бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда иштирокчи лойиҳани бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова қилиши керак.

3.11. Иштирокчининг тендер ўтказилаётган даврдаги жорий пудрат шартномалари (объектлари) бўйича маълумот.

3.12. Тендер қатнашчиси ISO сертификатига эга эканлиги.

3.13. Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия.

3.14. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхалари.

3.15. Юқорида сўралган шакллар ва ҳужжатларга иштирокчи кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

Қуйидаги иштирокчиларга тендер жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (бўлиниш, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

- мол-мулки мусодарага олинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Тендер таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар тендер иштирокчилари учун йуриқномада акс эттирилган.

Тендер иштирокчилари танишиб чиқиш ва тендер таклифини тузиш мақсадида, тендер предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойиханинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида буюртмачига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи объектнинг лойиха ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларини нусхаси ёки электрон варианты) ни тендер иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданок тақдим этишга мажбур.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини Самарқанд вилоятн, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси 151-уй га юбориши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда ишланган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (бронпоралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим эгилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари туғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва унинг махфийлигини , ошқоралигини таъминлаши асосланган қарор қабул қилиш бўйича маъсул

5.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Иштирокчи ғолиб деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

КЕЛИШИЛДИ:

Харид комиссия раиси:

У.Исакулов

Харид комиссия аъзолари:

О.Тухтаев

Харид комиссия аъзолари:

Д.Отамуродов

Харид комиссия аъзолари:

З.Бабанов

Харид комиссия аъзолари:

О.Тугизов

Харид комиссия аъзолари:

И.Саматов

Харид комиссия аъзолари:

Х.Авалбаев

Харид комиссия аъзолари:

А.Пардабоев

Харид комиссия аъзолари:

А.Кувондиқов

Харид комиссия аъзолари:

К.Мустафоев

Харид комиссия аъзолари:

Ф.Қўлдашева